



Ислом Нури

Савол:

Ассаламу алайкум биродарлар (аввалги жавобилардан) мен бир нарсага тушуна олмадим сизлар аввалига ҳар иккала ҳолатда ғулс вожиб бўлади дегансиз, кейин охирида ғулсдаги сув ишлатиш маний сабабидандир дегансиз. Қўшилганда маний чиқмаса ғулс қиладими ёки йўқ? Шунини тушунмадим, чунки Бухорийда ғулс қилмайди дейилган.

Жавоб:

Бисмилах, сиз эшитган ҳар икки ҳадис ҳам тўғри, саҳиҳ. Агар эркакнинг жинсий аъзосининг бош қисми аёлникига кирса, маний чиқмаса ҳам ғулс ҳар иккаласига вожиб бўлади. Бу маънодаги ҳадисни Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Агар улар жимо қилмаган ҳолда фақат ўйнашсалар, эркакдан шаҳват билан бир томчи бўлсада маний чиқса ва аёл киши ўзида шаҳват кучидан бўшашишликни хис қилса ва фаржидан сув келса, иккаласига ҳам ғулс вожиб бўлади. Бу маънодаги ҳадисни Имом муслим ривоят қилган «Сув сувдандир» Яъни ғулсдаги сув ишлатиш маний суви сабабидир. Жавоб тушунарли бўлса керак?

Агар жавоб тушунарли бўлмаган бўлса, бу жавобга қулоқ тутинг: Бу икки ҳадиснинг ҳар иккаласига амал қилинадиган ўзининг ўрни бор. Инсонда икки ҳолат бўлади бирида **жимо қилади** натижада маний чиқади ёки чиқмайди, бунинг фарқи йўқ икки аъзо бир бирига қўшилдим эрнинг аъзосининг бош қисми аёлникига кирдим, тамом, ғулс ҳар иккаласига вожиб бўлади.



Ислом Нури

Иккинчи ҳолат: **жимо қилмайди** масалан, тушида эҳтилом бўлади, ёки хотини билан ўйнашиб ётиб (ҳатто кийимлари билан бўлсалар ҳам) маний чиқиб кетади. Шу ҳолда эрга ғул вожиб бўлади хотинга эмас. Шундай ҳол хотинда ҳам юз бериши мумкин масалан, тушида кимдир уни жимо қилади натижада аёл бундан роҳатланади ёки эри билан ўйнашиб ётганда шаҳвати жуда ҳам қўзғаб кетади, шундай ҳолатдан кейин аёл киши фаржиг ва ички кийимига қарайди. Агар намликни (яъни сув чиққанини) топса бу аёлга ҳам ғул вожиб бўлади. Чунки расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам эҳтиломда аёлларни эркакларга ўхшатганлар. Мана бу иккинчи ҳолатга “сув сувдандир” ҳадиси далилдир.

Имом Бухорий ҳам аввал маний чиқмаса ҳам ғул вожиб бўлади деган бобни зикр қилганлар, кейин маний чиқмаса ғул вожиб бўлмайди деган бобни зикр қилганлар ва бу бобнинг сўнггида “Абу Абдуллоҳ (яъни Бухорий) деди: Ғул қилган яхши, бу кейингисидир (яъни, икки буйруқнинг иккинчиси ғул қилишга бўлган ёки мужтаҳид олимларнинг охирида келишишган ҳукмлари маний чиқмаса ҳам ғул қилишнинг вожиб бўлишидир. (Ибн Ҳажар фатҳул Борий) Биз буни (яъни ғул қилмаса бўлаверадими) олимлар ихтилоф қилганлари учун келтирдик.” Деган сўзлари билан тугатганлар.

Бухорийнинг бу охириги сўзи бобнинг ҳадисини зикр қилгандан кейин айтилган. (Бухорийга қаранг) Мана ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек имом Бухорий ҳам икки жинс қўшилганда маний чиқсин, чиқмасин, ҳар иккисига ғул вожиб бўлади демоқдалар.

Бухорийни ўқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг бобларининг тартибига қаралади, боблардаги ҳадисларнинг тартибига қаралади, бунинг ҳукм чиқаришда катта аҳамияти бор.